

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2023 йил февраль ойининг 28 куни, жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, шу суднинг судьяси А.Бойбиловнинг раислигида, судья ёрдамчиси У.Халикуловнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Термиз шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Э.Нуриддинов, [REDACTED]

[REDACTED] иштирокида,

[REDACTED] 1990 йил 11 февраль куни Тошкент вилоят Қибрай тумани туғилган, миллати қozoқ, ўзбек тилини яхши билади, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оилали, 2 нафар фарзанди бор, вақтинча ишламайди, муқаддам судланмаган, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, «[REDACTED]», жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг 2022 йил 17 октябрдаги қарорига асосан сиртдан «қamoққа олиш» тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, 2022 йил 7 декабрь куни ушланганга нисбатан

Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг 1-қисми билан бўлган 1-1901-2302/67-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Тергов органи томонидан ХХХ Термиз шаҳар, “Гулистон” маҳалласи, Қирғoқбўйи кўчаси, 27-уйда қурилиш ишларини амалга ошириб, иш фаолияти давомида ушбу уй эгаси [REDACTED] га тегишли бўлган баҳоси 400.000 сўм бўлган бир дона “Титан” номли балгарка кесувчи қурилмаси, баҳоси 250.000 сўм бўлган бир дона “Босч” номли дрелл қурилмаси, баҳоси 400.000 сўм бўлган бир дона “Макето” номли перефаратор, 650.000 сўмлик бир дона сув насосини қурилиш объектида ҳеч ким бўлмаганлигидан фойдаланиб, яширин равишда талон-торож қилиб, воқеа жойидан яшириниб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланган.



Жабрланувчи [REDACTED] судга ариза тақдим қилиб, ХХХ унга тегишли бир дона “Титан” номли балгарка кесувчи қурилмаси, бир дона “Босч” номли дрелл қурилмаси, бир дона “Макето” номли перефаратор ва бир дона суд насосини ўғирлаб кетганлиги, ҳозирги кунда ушбу нарсаларини қайтариб олганини, унга нисбатан даъвоси йўқлигини, улар ўзаро ярашишганлигини билдириб, суддан судланувчига нисбатан бўлган жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўраган.

Судланувчи ХХХ суд мажлисида, ўз айбига тўлиқ иқрор ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, жабрланувчи [REDACTED]нинг қурилиши тугалланмаган уйда ишлаб, унга тегишли бир дона “Титан” номли балгарка кесувчи қурилмаси, бир дона “Босч” номли дрелл қурилмаси, бир дона “Макето” номли перефаратор ва бир дона суд насосини ўғирлаб кетганлиги, бугунги кунда жабрланувчига етказилган зарарларни бартараф қилганлиги, у билан ўзаро ярашганлигини билдириб, суддан ўзига нисбатан юритилган жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, мазкур Кодекс 169-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги кўрсатилган.

ЖПКнинг 84-моддасининг 4-бандида, жабрланувчи Жиноят кодексининг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши ушбу Кодекснинг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд, жабрланувчи, судланувчи, ҳимоячи ва прокурорнинг фикрларини тинглаб, жиноят ишида мавжуд ҳужжатларни текшириб, судланувчи [REDACTED]нинг Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасида кўрсатилган ЖК 169-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни содир этганликда айбланганини, айбига иқрорлиги ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, жабрланувчи билан ярашганлиги ва етказилган зарарни тўлиқ бартараф қилинганини инобатга олиб, унга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан ҳаракатдан тугатишни, унга қўлланилган “Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чорасини бекор қилишни лозим топди.

Шунингдек, суд жабрланувчи [REDACTED]га етказилган зарар тўлиқ бартараф қилинганлигини эътироф этишни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-банди, 585-586-моддаларига асосланиб, суд



А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Судланувчи [REDACTED]
[REDACTED] а оид жиноят иши бўйича суд мажлиси баённомаси тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг 1-қисми билан судланувчи [REDACTED] нисбатан юритилган жиноят иши тарафлар ярашганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддаси ва ЖПКнинг 84-моддаси 4-бандига асосан иш юритишдан тугатилсин.

XXXга нисбатан қўлланилган “Қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва у дарҳол суд залида қамоқдан озод қилинсин.

Жиноят оқибатида жабрланувчи [REDACTED] етказилган зарарлар тўлиқ бартараф қилинганлиги эътироф этилсин.

Ажрим устидан норози тарафлар йигирма кунлик муддатда жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида хусусий шикоят қилишга, прокурор эса хусусий протест билдиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи

А.Бойбилов

